

Тафаккурнинг самараси



11:00 / 03.09.2022 2338

Бир подшоҳнинг қўшини орасида қўй боқар оддий чўпон бор эди. Сарой қозиси уни ёқтирмас эди. У чўпонга нисбатан шундай ҳийла ишлатдики, оқибатда подшоҳ чўпонни қатл этишга ҳукм қилди. Бечора чўпоннинг онаси подшоҳнинг олдига бориб ўғлини кечиришини сўради. Подшоҳ кекса онахондан хижолат бўлиб, шундай деди: «Мен қозига буюраман, у икки қоғоз олиб бирига қатл этилади, иккинчисига эса қатл этилмайди деб ёзиб беради. Ўғлингизга буюраман ҳукми ижро этишдан олдин шу қоғозлардан бирини танлайди. Агар ўғлингиз мазлум бўлса Аллоҳ унга нажот беради», деди.

Она подшоҳ ҳузуридан чиқар экан, уни маҳзунлик чулғаб олган эди. У ўғлини подшоҳ ёқтирмаслигини, иккала қоғозга ҳам қатл этилади деб ёздирса керак деб кўнглида ўтказар эди.

Чўпон йигит онасига: «Онажон, хавотир олманг, ишни Аллоҳ таолонинг Ўзига қўйиб беринг», деди.

Подшоҳнинг ҳукмини ижро этиш учун қози иккала қоғозга ҳам ёзди. Бироқ йигитни ёқтирмагани учун иккисига ҳам қатл этилади, деб ёзди.

Белгиланган кун келганда сарой аҳли чўпон йигитга қандай ҳукм ўқилад экан деб, кузатиш учун тўпландилар. Қасос майдонига чўпон йигитни олиб келдилар. Қози заҳарҳандалик билан қоғозлардан биттасини танлаб олишини айтди. Чўпон йигит табассум билан битта қоғозни танлади ва мана шуни танладим деди. Сўнг қоғозни ўқимай ютиб юборди.

Подшоҳ ҳайрон бўлиб: «Ҳой чўпон, нима қилганинг бу, сен қоғозни ютиб юбординг-ку, унда нима ёзилганини билолмай қолдик-ку», деди.

Йигит: «Подшоҳим, мен битта қоғозни танладим, унда нима ёзилганини билмай туриб, ютиб юбордим. Агар унда нима ёзилганини билмоқчи бўлсак, мана бу қоғозга қаранг, унда тескариси ёзилган бўлади», деди.

Подшоҳ қоғозга қаради, унда қатл этилади деб ёзилган эди. Буни кўрган сарой аҳли чўпон йигит қатл этилмайди деган қоғозни танлабди дейишди.

Хулоса

Аллоҳнинг фазли билан озгина тафаккур сабабли улкан ишларни амалга ошира оламиз...

Аллоҳ таоло «Оли Имрон» сурасида: **«Албатта, осмонлару ернинг яратилишида ва кеча-кундузнинг алмашилишида ақл эгалари учун белгилар бор. Улар Аллоҳни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларида эслайдиган, осмонлару ернинг яратилишини тафаккур қиладиганлардир»**, деган (190-191-оятлар).

Ушбу ояти карималардан кўриниб турибдики, Аллоҳнинг биру борлиги ҳамда чексиз қудрати ва бошқа комил сифатларини тўла англаб этиш учун зикр ва тафаккур лозим экан. Бири бўлиб иккинчиси бўлмаса ҳам, иш битмас экан.

Тафаккурнинг фойдалари

1. Тафаккур Аллоҳнинг розилиги ва муҳаббатига олиб борувчи йўлдир.
2. Тафаккур бағрикенглик ва қалб сокинлигидир.
3. Тафаккур Аллоҳ аzza ва жалладан хавфда бўлиш ва қўрқиш малакасини

ҳосил қилади.

4. Тафаккур ҳикмат малакасини ҳосил қилади ва қалбни тирилтиради.

5. Кўп эътибор бериш ва ваъзланиш ўтганларнинг сийратидандир.

6. Тафаккур катта ақлий қувват бўлиб, яқка шахсларнинг огоҳлигига ва умматларнинг уйғонишига олиб боради.

Фойдаланилган манбалар:

«Мутанаббий» саҳифасидан

Islom.uz сайти

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Хуршид Маъруф тайёрлади